

## Ҳ У К М

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил июнь ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди, ўз биносида очик суд мажлисида;

раислик қилувчи М.Ғофуров

судья ёрдамчиси А.Иргашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Фарғона туман прокурори ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчининг ҳимоячиси адвокат Ш.Абдураззақовани иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан Эргашев Абдурасул Абдусаттор ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1502-2302/154-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Эргашев Абдурасул Абдусаттор ўғли – 1992 йил 24 июнда Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, ёлланма ишчи, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланмаган, Фарғона туман Миндон МФЙ Боғбон кўчаси 147-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 27 апрель куни олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охирги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи А.Эргашев 2023 йил 8 февраль куни бирга тадбиркорлик қилиш учун жабрланувчи Қ.Шаропов орқали Д.Муқимжоновга 9000 АҚШ доллари бергани ҳолда 2023 йил 20 февраль куни Тошкент шаҳридан жабрланувчи Қ.Шароповга бериб юборилган 25 000 АҚШ долларида 102 888 000 сўмга тенг 9000 АҚШ долларини ўзиники деб фараз қилиб олиб қолиб, қолган қисмини Қ.Шароповга бериб, унга кўп миқдорда зарар етказган.

Судланувчи А.Эргашев судда эълон қилинган айбловга қисман иқроп бўлиб, фуқаро Д.Муқимжонов ва жабрланувчи Қ.Шароповни яхши танишлигини, Қ.Шаропов билан автомашинада Тошкент шаҳрига йўловчи ташиш билан шуғулланишларини, танишлари Д.Муқимжонов уяли телефон аппарати сотишлигини, уни тадбиркорлигига пул қўшса 50 АҚШ доллардан пул бериб туришини Қ.Шароповдан эшитганлигини, унга қизиқиб, Қ.Шароповдан бўлган 5000 АҚШ доллари ҳақини Д.Муқимжоновга ўтказиб беришини илтимос қилганлигини, кейинчалик яна 4000 АҚШ доллари олиб



келиб берганлигини, жами 9000 АҚШ долларини Қ.Шаропов орқали Д.Муқимжоновга ўтказиб берганлигини, лекин Д.Муқимжонов фойдани бермай телефонини кўтармай қўйганлиги сабабли 2023 йил 20 февраль куни Тошкент шаҳридан Қ.Шароповга бериб юборилган 25 000 АҚШ долларидан 9000 АҚШ долларини олиб қолиб, қолган қисмини Қ.Шароповни уйига ташлаб кетганлигини, чунки пулларни Қ.Шаропов орқали берганлигини, оилада ёлғиз боқувчи эканлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Қ.Шаропов судда, ҳақиқатдан ҳам судланувчи А.Эргашевни яхши танишлигини, у билан автомашинада Тошкент шаҳрига йўловчи ташиш билан шуғулланишларини, танишлари Д.Муқимжонов уяли телефон аппарати сотишлигини, уни тадбиркорлигига пул қўшса 50 АҚШ доллардан пул бериб туришини А.Эргашев ҳам яхши билишини, 2023 йил 8 февраль куни А.Эргашев 5000 АҚШ доллар ҳақини Д.Муқимжоновга ўтказиб беришини, кейинчалик яна 5000 АҚШ доллари келтириб беришини илтимос қилганлиги сабабли жами 10 000 АҚШ долларини А.Эргашевни номидан Д.Муқимжоновга ўтказиб берганлигини, бу ҳақида А.Эргашевга айтганидан сўнг Д.Муқимжонов билан ўзаро гаплашиб олишганлигини, пулни ўтказиб берганидан сўнг Д.Муқимжонов телефон рақамини кўтармай қўйганлигини, А.Эргашев билан уйига ахтариб боришганлигини, лекин топишни имкони бўлмаганлигини, 2023 йил 20 февраль куни Тошкент шаҳридан 25 000 АҚШ доллари олиб келиш зарар бўлиб қолганлиги сабабли А.Эргашевга қўнғироқ қилиб, шу пулни олиб келиб беришини илтимос қилганлигини, А.Эргашев Тошкентдан жами 25 000 АҚШ долларини олиб, 9000 АҚШ долларини ўзида ушлаб қолганлигини, шу кунга қадар бермай келаётганлигини, А.Эргашевни Д.Муқимжоновдан 9000 АҚШ доллари ҳақи борлигини, ушбу пулларини Д.Муқимжоновдан талаб қилиши кераклигини, шу сабабли судланувчидан 9000 АҚШ доллари моддий зарарни ундириб, ўзига нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Ф.Толипов судда, судланувчи А.Эргашев ва жабрланувчи Қ.Шароповларни яхши танишлигини, улар билан автомашинада Тошкент шаҳрига йўловчи ташиш билан шуғулланишларини, Д.Муқимжоновни уяли телефон аппарати сотишлигини, уни тадбиркорлигига пул қўшса 50 АҚШ доллардан пул қўшиб бериб туришини ҳаммалари яхши билишларини, А.Эргашев жабрланувчи Қ.Шароповдаги 5000 АҚШ доллар ҳақини Д.Муқимжоновга ўтказиб беришини, кейинчалик яна 5000 АҚШ доллари келтириб беришини илтимос қилганлиги сабабли Қ.Шаропов жами 10 000 АҚШ долларини А.Эргашевни номидан Д.Муқимжоновга ўтказиб берганлигини, бундан А.Эргашев хабар топганидан сўнг Д.Муқимжонов билан ўзаро гаплашиб олишганлигини, пул ўтганидан сўнг Д.Муқимжонов телефон рақамини кўтармай қўйганлиги сабабли ҳаммалари уни ахтариб уйига боришганлигини, лекин топишни имкони бўлмаганлигини, 2023 йил 20 февраль куни Қ.Шаропов Тошкент шаҳридан 25 000 АҚШ доллари олиб келиш кераклигини айтиб А.Эргашевдан илтимос қилганлигини, А.Эргашев Тошкентдан жами 25 000 АҚШ долларини олиб, 9000 АҚШ долларини ўзида



ушлаб қолганлигини, қолган пулларни Қ.Шароповга келтириб берганлигини, А.Эргашев пулларини Д.Муқимжоновдан талаб қилиши кераклигини, чунки ушбу пуллари Қ.Шаропов орқали Д.Муқимжоновга етиб борганлигини билдирди.

Судланувчи А.Эргашевни содир этган жиноий ҳаракати жиноят ишидаги ариза, тушунтириш хатлари, гувоҳнинг даслабки тергов ва суддаги кўрсатувлари ҳамда судда текширилган ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Судланувчи А.Эргашевни фараз қилинган ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан амалга ошириб, жабрланувчи Қ.Шароповга кўп миқдорда моддий зарар етказганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 21.06.2023 йил ҳолатига 1 АҚШ доллари 11 490 сўмга тенг бўлиб, 9000 АҚШ доллари 103 410 000 сўни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар етти ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керакли”ги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, А.Эргашевга жазо тайинлашда юқоридаги Пленум қарори тушунтиришига риоя қилиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига иқрорлигини, оилавий шароитини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги инobatга олиб, модда санкцияси доирасида жазо тайинлашни, судланувчи А.Эргашевдан жабрланувчи Қ.Шаропов фойдасига 9000 АҚШ долларига тенг 103 410 000 сўм ундиришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб

## Ҳ У К М Қ И Л Д И

Эргашев Абдурасул Абдусаттор ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан айбли деб топилсин.

Эргашев Абдурасул Абдусаттор ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони жазо ижросини назорат қилувчи орган белгиланган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Жазони ижро этиш ва назорати Фарғона туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

А.Эргашевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Эргашев Абдурасул Абдусаттор ўғлидан жабрланувчи Қ.Шаропов фойдасига 103 410 000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

М.Ғофуров

нусхаси аслига тўғри

